



GAZETA 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 12 май, жума № 82 (2131)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



КЎНГИЛЛАРНИ НУРАФШОН ЭТДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида кунга кеча бўлиб ўтган тадбир «Хомийлар ва шифокорлар йили» ҳамда «Хотира ва Қадрлаш кунига» бағишланди. Унга уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил ҳалокати қатнашчилари, кам таъминланган оилаларнинг вакиллари таклиф этилдилар.

Федерация кенгаши раиси ўринбосари Элёр Ёкубов тадбирни очар экан, йиғилганларни байрам билан қизгин муборакбод этиб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилади. Ҳар бир фуқарони меҳр-мурувват билан қамраб олишда, сўзсиз бундай байрамларнинг аҳамияти беқиёсдир. Уруш ва меҳнат фахрийларининг, байналмилалчи жангчиларнинг, чернобилчиларнинг соғлигини муҳофаза қилишда касаба уюшмалари амалга ошираётган ишлар, «Нуроний» жамғармаси, Афгон уруши ноғиронлари республика хайрия

жамғармаси ва чернобилчилар ташкилоти билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Тадбирда таъкидланганидек, касаба уюшмалари мамлакатимиздаги ҳар бир байрам ва шодиёналарни ўзига хос тарзда нишонлаб келмоқда. Буни биз ўз иш жойимизда, теварак-атрофимизда бўлиб ўтаётган қатор тадбирлар орқали ҳам кўриб, ҳис этиб турибмиз. Айём қунонлардан гулгун чехралари янада ёришган юртдошларимизнинг хушқайфиятлари дилларимизни доимо тўлқинлантирган. Уларнинг юртга тинчлик, фаровонлик тилаб қилган

дуолари ҳамиша ижобат бўлган. Мамлакатимизда кенг нишонланган «Хотира ва Қадрлаш кунига» касаба уюшмалари ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. Шу кунларда ўтказилаётган тадбирларда ўтганлар хотираси ёд этилиб, уларнинг яқинларидан кўнгил сўралмоқда. Элу юртга катта нафди теккан отахону онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчиларга, айниқса, алоҳида иззат-икром кўрсатилди. Бу беғиз эмас. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабадан тортиб, ундан кейинги тинч тикланиш йилларида эришилган ютуқларининг барчасида азиз юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари-ю, алоҳида хизматлари мужассамлашган. Ибратли ҳаётлари эса ёшларни ҳамиша бугунги дорилонан кунларнинг қадрига етишга, мустақилликни кўз қорачигидек авай-

лаб-асрашга, тинчликни сақлашга, Она-Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишга руҳлантириб туради. Ахир, Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда эришган муваффақиятлари мустақиллик берган улкан имконият ва юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт туфайлидир. Шундай экан, бу хурликнинг, истиқлолнинг, тинч-осуда кунларнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Кенгаш ташаббуси билан ташкил этилган бу байрам тадбири кўпчиликка чексиз қувонч улашди. Унда



ҳозир бўлганлар касаба уюшмаларининг хайрли ишларидан беҳад мамнун эканликларини изҳор этдилар. Зеро, меҳнатқашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясига айланган бу нуфузли ташкилот саломатлик дастури доирасида ҳам катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, чернобилчилар ҳар йили касаба уюшмаларининг бепул ва имтиёзли йўлнамалари билан респуббликамиздаги қатор санаторийларда ўз саломатликларини тиклашмоқда. 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига муносабати билан

ўтказилган мазкур тадбирда ҳозир бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғиронлари, меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобилда содир бўлган авария талофатларини бартараф этишда қатнашганлар, шу билан бирга кам таъминланган оилаларнинг вакиллари кенгашнинг Курортлар бошқармасига қарашли энг яхши санаторий ва профилакторийларга бепул йўлланмалар берилди. Тошкент шаҳри ва вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари ҳамкорлигида

Браилов, Хулкар Жамолов каби касаба уюшма фахрийлари бор. — Касаба уюшмаларига минг раҳмат, - дейди уруш ва меҳнат фахрийси, таниқли файласуфи Абдулла Аюпов биз билан суҳбатда. — Ширин бир дийдор, ўзаро мулоқотга айланган бу тадбирни уюштириб хўп яхши иш қилишибди. Кўз ўнгимизда ўчмас хотиралар яна бир бор гавадланди. Юртбошимизнинг, ҳукуматимизнинг, шу билан бирга касаба уюшмаларининг бизга бўлган эътиборидан чек-

Тадбир

амалга оширилган бу иш яна 45 кишини «Чинобод», «Оқтош», «Турон», «Ботаника» каби санаторийларда, «Семурғ», «Чотқол», «Навбахор» каби сиҳатгоҳларда мириқиб дам олиб, ҳордиқ чиқаришлариغا, ўз соғлиқларини мустақамлаб олишларига қулай шароит яратди. Шу билан бирга, тадбирда касаба уюшмалари сафида кўп йил меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган 15 нафар фахрийнинг ҳар бирига пул муқофоти берилди. Уларнинг орасида Наима Махмудова, Анатолий

сиз мамнунмиз. Зеро, бу оддий эътибор эмас, балки Юртбошимизнинг, ҳукуматимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромининг фидоаси ҳамдир. Тадбир уларнинг қалбига нур олиб кирди. Кўнгилларини нурафшон этди. Энг муҳими, улар эл-юрт эътиборида яшаётганликларини яна бир бор ҳис этдилар. Бундан олий бахт бўлмас керак инсонга. **Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Ишонч» мухбири** Суратларда: фахрийлар билан урчушудан лавҳалар. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши Урганч санъат ва маданият коллежи билан ҳамкорликда «Эъзоз» деб номланган тадбир ўтказди. Унга гуруҳ қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилган захматқаш инсонлар, байналмилалчи жангчилар ва узоқ йиллар таълим тизимида фаолият кўрсатган фахрий ўқитувчилар таклиф этилди.

Иккинчи жаҳон уруш қатнашчилари Мадрим ака Саиджонов ҳамда Маткарим ота Сафаровлар йиғилганлар билан ўз хотираларини ўртоқлашдилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари, байналмилалчи жангчи Набиулла Ҳасанов, ўқитувчи Раҳимбой Хусановлар сўзга чиқиб, бундай урчушувни ташкил этганларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Тадбирда вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши томонидан узоқ йиллар таълим тизимида самарали меҳнат қилиб, аини кунда қариллик гаштини сураётган 130 нафар фахрий устозларга табрик хатлари юборилди.

ЖАМОАДА КЎШ БАЙРАМ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига қарашли «Тошкент телеграф телефон станцияси» филиалида «Хотира ва қадрлаш кунига» бағишлаб тантанали кеча ўтказилди. Ушбу тадбир қорхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан бўлиб ўтди. Ингилишда сўзга чиққанлар алоқа соҳасига улкан ҳисса қўшган марҳум ҳамкасблари эзгу ишларини ёдга олишди.

Шулардан бири Фёдор Шербаковдир. У Иккинчи жаҳон урушида алоқачи бўлиб хизмат қилган. Га-лаба кунини эса Прага шаҳрида кутиб олган. Варвара Бобилева эса радистлар курсини тугатиб, разведкада хизмат қилган. Эммануил Розенфельд Одерда бўлиб ўтган қақшатиқ жангларда қатнашиб, ғалабани Берлин шаҳри остоналарида нишонлаган. Андрей Тимофеев фронт ортида муҳандис бўлиб хизмат қилган. Халқаро алоқаларнинг бир меъёрида ишлашига унинг қўшган ҳиссаси улкан. Уруш йилларида Марказий телеграфда Аъзам Каримов алоқа

чеҳи бошлиғи, Серафима Вайсерман эса телеграфчи бўлиб хизмат қилишган. Уларнинг эзгу ишлари ҳамда ёрқин хотиралари ҳамкасбларининг қалбларида яшамоқда. Шу кунни йиғилганлар тўқин дастурхон атрофида нафақат ўтганлари хотирладилар, балки узоқ йиллар жомоада ишлаб кетган фахрийларни ҳам ҳурматларини жойига қўйишди. Улар орасида мазкур қорхонада 45 йилдан зиёд меҳнат қилиб келаётган, «Мохир алоқачи» унвонига сазовор бўлган Саида Ибрагимова ҳамда Артур Войцеховскийлар бор эдилар. **Ўз мухбиримиздан**

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Хомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Тошкент вилояти Зангиота тумани Марказий шифохонасида «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур тадбир «Халқаро ҳамширлар кунига» бағишланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ташаббуси билан ўтказилди.

Уч босқичда ўтказилаётган мазкур танлов голибларига Марказий кенгашнинг Фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. **Раҳимжон ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири**

ИЛМИЙ - АМАЛИЙ СЕМИНАР

Андижон муҳандислик - йиқинидаги институти билан бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан «Гуруҳ мураббийси» иш фаолияти: тажриба ва муаммолар» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда ўсиб келаётган ёш авлод ва талабаларни маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада ошириш, илмий йўналишга, спорт ва жамоат ишларига фаол муносабатини шакллантиришда академик гуруҳ мураббийларининг ролини ошириш, уларнинг ўқув йили давомида баҳарган оқори си-фатли ва фидокорона меҳ-

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Хомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига муносабати билан Шофиркон тумани Марказий шифохонасида марҳум тиббиёт ходимларини ёдга олиш, соҳа фахрийларига эъзоз кўрсатишга бағишлаб тадбир ўтказилди. Унга узоқ йиллар эл соғлиғи йўлида хизмат қилган нуронийлар таклиф этилиб, бир пиёла чай устида уларнинг ибратли хотиралари тингланган.

— Туманимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган азиз инсонларни эслаш ва қадрлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Э.Махмудов, А.Тоиров, И. Холмуродов, А.Амонов, С.Солиев, Р.Мусаев каби марҳум устозларимизнинг ибратли ҳаёт йўли шогирдларга ҳамisha сабоқ вази-фасини ўтади. Уларга муносиб издош бўлишдан қалбимиз чексиз фахрга тўлади, — дейди Марказий шифохона касаба уюшма кўмитаси раиси А.Қодиров.

Тадбир вилоят тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасидаги спорт мусобакаларига уланган кетди. Қатнашчилар волейбол, шохмат ва шашка бўйича ўзаро куч синаштирди. Волейбол бахсларида мезбонлар, шохматда Бухоро тиббиёт институти ва Фиждудон тиббиёт коллежи вакиллари, шашка мусобақаларида жондорлик ва воқеатлик шифокорлар ўз маҳоратларини намойиш эттишди. Голиб жамоалар вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгашининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. **Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири**

Маматдурди ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қалб амри билан Қарши чўлини ўзлаштиришга отланганлардан. Маана 36 йилдирки нефт-газ тизимида ишлаб келадди. Фаолиятини «Ўзбекнефтгаз»нинг Муборакдаги автобазасида оддий механикдан бошлаган. Кейинчалик қатта механик, ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи ва бош механик вазифаларида ишлаган.

1993 йилдан бери «Ўзбекнефтгаз» бошқармасига қарашли Муборак ишлаб чиқариш технология алоқа чехида аввал техника хавфсизлиги муҳандиси, 1994 йилдан автотранспорт бўйича механик вазифасида ишлаб келди. Ишчанлиги ва жамоат юмушларини виждонан адо этганлиги учун цех касаба уюшма гуруҳининг расиллигига сайланган.

2005 йил 31 январда «Ўзбекнефтгаз» қорхона раҳбариятининг буйруғига асосан Қашқадарё ишлаб чиқариш технология алоқа боғланмаси бўйича 60 та иш ўрни қисқартирилди. Юқори ташкилотнинг буйруғи Муборак шаҳрининг Дўстлик маҳалласидаги Рустамов кўчасида яшовчи Маматдурди Аллаберганов учун анча-мунча ташвиш келтирди. Уш йилнинг 14 февралда у иш ўрни қисқартирилиши тўғрисида огоҳлантирилди. Бундан норози бўлган мутахассис Ўзбекистон ёқлиги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашига шикоят ёзганидан сўнг, у яшаш жойидан 90 километр узоқликда жойлашган боғланмага ишлаш учун таклиф этилди. Аммо домий тиббиёт назоратида бўлган, туман марказий поликлиникасида хисобда турган ходим бунга рози бўлмади.

Хуллас, 2005 йилнинг 14 июнида буйруқ чиқарилиб, М.Аллаберганов билан тузилган меҳ-

нат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1 бандига асосан бекор қилинади. — Шундан кейин Қарши туманлараро фуқаролик судига ҳақ-ҳуқуқимни тиклаш учун ариза бердим, - дейди М.Аллаберганов. — Улар ишни кўриб чиқиб, рад жавобини беришди. Вилоят фуқаро-

лик ишлари бўйича судга қассация тартибида шикоят ёздим. Хат менинг иштирокимиз кўриб чиқилиб, рад этилди. Кейинчалик фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилдим. Бир қараганда ҳаммаси рисоладагидек. Ходимни ишдан бўшатишга бошқарма касаба уюшма ташкилотининг розилиги ҳам олинган. Биз фуқаролик суди қарорига ҳеч қандай эътироз билдирмаган ҳолда айрим фикр-мулоҳазаларни баён этмоқчимиз. Меҳнат қонунларида ўрин қисқартирилиши учун қорхонанинг уша бўлимида иш ҳажми камайиши сабаб бўлди, деб кўрсатилган. Цех бошлиғи Б.Ҳазратовнинг мазкур ташкилотда кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган ишчилар тақдирдан ташвишланган. «Ўзбекнефтгаз» ишлаб чиқариш технология алоқа бошқармаси бошлиғи А.Сатқиевга ўтган йил-

нинг 1 мартда йўллаган хатини ўқиб, ўйга толасан, киши. «Сизнинг 2005 йил 8-Б сонли буйруғингизга асосан тузилган ҳайбат аъзолари Муборак ишлаб чиқариш технология алоқа цехи бўлимидаги ходимларнинг иш ўрнини қисқартиришни кўриб чиққанга қорхона тасарруфидан алоқа бўлимида ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари қисқармагани ва иш ҳажми ошиб бораётганини хисобга олманган». Ҳақиқатан ҳам цех бошлиғи ёзганидек, унитар шўба қорхонаси конлари ва Муборак газни қайта ишлаш заводи бўлимидаги хиз-

ҲАММАСИ РИСОЛАДАГИДЕК, БИРОҚ...

мат кўрсатиш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Алоқа ходимлари оғир чўл шароитида кишин-ёзин, кечани-кеча, кундузи-кундуз демасдан жуда катта худудни қамраб олган ва шаҳар марказидан олисда жойлашган нефт-газ тармоқларига хизмат кўрсатишди. Алан ва Крук конларида янги алоқа бўлими ташкил қилинди. Аммо иш ўрни берилмади. «Муборакнефтгаз» унитар шўба қорхонасига хизмат кўрсатиш ҳажми бундан беш йил муқаддам 88 миллион 566 минг сўмини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, 470 миллион 293 минг сўмга етди, ёки уч борабарга кўпайди. Қултоғ, Помик, Алан ва Денгизкўл алоқа бўлимидаги конлар ичиде жойлашганлиги, нават усулида ишлаётган кишилар учун шароит

яраташдаги жузъий камчиликлар, айрим алоқа бўлимидаги автоулов билан таъминланмаганлиги, технология усулидан эскирганлиги тизимда туб ўзгаришлар қилиш кераклигини кўрсатиб турибди. Фуқаронинг шикоят хати билан танишган киши кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходим тақдирига лоқайдлик билан қаралганлигини тасаввур этиши қийин эмас. — Беморлик даврида ишдан бўшатилган ҳақида буйруқ чиқариш ва ундан кейин касаллик варакам учун ҳам ҳақ тўланган, - дея эътироз билдиради аризончи. — Меҳнат дафтарчамни ва буйруқдан

нусхани қирқ кунга кечиктириб етказишди ва мен аҳолини иш билан таъминлаш бўлими томонидан бериладиган қарорлардан фойдалана олмадим. Туман ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи М.Чўлиевнинг тахририятга маълум қилишича, фуқаро М.Аллаберганов 2005 йил 19 сентябрдан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган. Унга тумандаги икита қорхонадан мақбул келадиган иш таклифи этилган. Иш ўрни квоталанганига қарамастан, қорхоналар томонидан рад жавоби берилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунининг 25-моддасига асосан ва алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга мuddатдан олдин пенсия тайинлаш тўғрисидаги йуриқномани қўллаган ҳолда

«Ishonch» ёрдам берди

туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдимнома берилган. Аллаберганов сурункасига ўн уч йил ишлаган жомоада бўлиб, цех бошлиғи вазифасини бажарувчи М.Жўрақулов, Муборак алоқа бўлими бошлиғи И.Турсуновлар билан суҳбатлашганимизда Маматдурди ака ҳақида илҳор фикрларни билдирдилар. Наҳоро, иш беришчи юқори ташкилот буйруғини рад қилишга ҳақи йўқ. — Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатига назорат тартибда кўриб чиқиш учун шикоят ёзган эдим, - дейди яна М.Аллаберганов. — Шикоят хатига ишимни илгари кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи О.Тангматов имзоси билан жорий йилнинг 27 январиде жавоб хати олдим. Аризада келтирилган барча важдлар асоссиз эканлиги учун қаноатлантирилмасдан қолдирилганлиги маълум қилинади. Бутун умрини нефт-газ тармоғини ривожлантиришга бағишлаган эллик саккиз ёшли Маматдурди Аллаберганов бир неча ойдан бери ишсиз юрибди. Фуқаро ўзига нисбатан адалотсизлик қилингандан норози. **Иzzат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

Р.С. Қашқадарё ишлаб чиқариш технология алоқа боғланмаси бошлиғи Фулом Дусеновнинг қатъияти ва тахририят аралашуви билан М.Аллаберганов Помуқ алоқа бўлимига бир йил мuddат билан қайдоқчи вазифасига ишга қабул қилинди.

Хар қандай корхона ишлаб чиқаришининг диволаши билан бир хил хамкорларга ҳам боғлиқ. Негаки, фаолиятни юритиш учун ёқилги, эҳтиёт қисм ва бошқа ашёлар зарур. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда ҳам шундай мураккаб жараёнлар мавжуд. Бу эса ўнлаб, юзлаб турдаги иқтисодий-ҳўжалик алоқалари воситасида амалга оширилади.

Шу мақсадда хамкорлик шартномалари тузилади. Натияжада ўзаро боғлиқ халқлардан иборат таъминот-ишлаб чиқариш-истеъмол занжири вуқудга келади. Ана шу халқлардан, яъни хамкорлардан бирида ижро интизоми бўлиса, бу ҳол бошқаларнинг ишига ҳам салбий таъсир қилади. Биров хомашёсиз қолади, айримларнинг ишлаб чиқаришида узил-пишлар пайдо бўлади, би-

ШАРТДАН

ров тайёр маҳсулотни сотолмай қолади ва ҳоказо. Шу боис умумий иқтисодий жараёнларда шартнома мажбуриятини бажариш масъулияти ва жавобгарлик муҳим аҳамиятга эга.

Афсуски, бунди ҳис қилмайдиган мутасаддилар ҳам бор. Улар ўзларининг ишлари биттунича мингта ваъда

беришади. Кейин бепарво юрaverишади. Масалан, Пастдарғом туманидаги "Чандиробод" ширкат ҳўжалиги "Орифен" қўшма корхонаси билан 2005 йилда 200 тонна помидор етказиб бериш бўйича шартнома тузган. Қўшма корхона шартномага

ТОНГАН ШЕРИКЛАР

мувофиқ ширкат ҳўжалигига бўнақ тарикасида маблағ, эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарурий воситаларни ажратган. Лекин ширкат ҳўжалиги бир миқсод ҳам маҳсулот етказиб бермаган. Оқибатда 432 миң сўм қардор бўлиб қолган. Раҳбарларнинг лавфисизлигидан ҳўжалик зарар кўрди. Вилоят ҳўжалик су-

лион сўмдан зарар кўрди. Шу маблағ бошқа мақсадларга сарфланса, ҳўжалик ва давлат фойдасига жами 450 миң сўм ундириб олинди. Шартнома шартларини ўз вақтида бажармаслик оқибатда Нуробод туманидаги 13

та ширкат ҳўжалигидан вилоят ҳўжалик суди қарори билан "Нуробод нефт бисли" унитар корхонаси фойдасига 356,4 миллион сўм ундириб берилди. Ундирилган сумманин қарийб 30 фоизини тўлов кенчиқрилганини учун ҳисобланган пеня ташкил этади. Бошқача айтганда, хар бир ҳўжалик ўртача бир мил-

лион сўмдан зарар кўрди. Шу маблағ бошқа мақсадларга сарфланса, ҳўжалик ва давлат фойдасига жами 450 миң сўм ундириб олинди. Шартнома шартларини ўз вақтида бажармаслик оқибатда Нуробод туманидаги 13

МАСЛАҲАТХОНА

Саволларга ҳуқуқшунос Йўлдош Турсунов жавоб беради

САВОЛ: Хомилдорлик ва туғиш таътилига чиққан ёки 2 ёшгача бўлган боласини парваришлайётган аёлга нафақа қай йўсинда тўланади?

А. ҚОРАБОЕВА, Ташкент шаҳри

ЖАВОБ: Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда рўйхатга олинган "Давлат иқтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тўлиниши ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 40-бандига кўра хомилдорлик ва туғиш таътилига чиққан ходим аёлларга хомилдорлик даври учун 70 календар кун, бола туғилган эса 56 календар кун (эгизак туғилган ёки паталогик туғиш юз берганда 70 календар кун) декрет таътили берилади. Хомилдорлик ва туғиш таътили даврида аёлга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдоридан давлат иқтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан нафақа тўлинилади. Нафақа ходим ишлаб турган корхона, ташкилот томонидан тўланади.

Икки ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган ишлайётган оналарга улар ишлаб турган корхона ва ташкилот орқали болани парваришлай даври учун нафақа тўлинилади. Нафақа тўлиниши учун боланинг онаси томонидан иш берувчи (корхона раҳбари)га берилган ариза ҳамда бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома асос бўлади. Нафақа миқдори тегишли даврдаги энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробарига тенг бўлади. Ишлаб турган шахсларга бола икки ёшга тўлгунча қадар бўлган даврда болани парваришлай ун нафақага тўлиниши ва тўлаш тартиби ҳақида шартлари Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда рўйхатга олинган «Ишлайётган оналарга бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парваришлай ун хар ойлик нафақа тўлиниши ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилган.

Бундай нафақа боланинг онаси ўрнини босувчи шахсларга (хонийлар, фарзандликка олувчилар, болани амалда парваришлайётган ўғза шахслар), боланинг отасига ҳам тўлиниши мумкин. Нафақа тўлинишидан шахс ишлайётган ёки ўқийдиган ташкилот томонидан тўланади. Ишлайётган оналарга бола икки ёшга етгунча қадар уни парваришлай ун ойлик нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (махалла кўмиталари) томонидан бевосита бола парвариши билан банд бўлган шахсларга тўлинилади.

Ишламаётган оналарга боласи икки ёшга етгунча қадар тарбиялаш даврида нафақа тўлиниши оиланинг моддий аҳволи ҳисобга олиниб, муҳтож шахсларга 12 ой муддатга (узайтирилиши мумкин) тўлинилади.

Болани тўлиқ бўлмаган оилادا (отаси ёки онаси бўлмаган ҳолда) тарбиялайётганларга, шунингдек, ногирон фарзанди бўлган оилаларга уларнинг моддий аҳволидан қатъий назар нафақа тўлинилади.

Нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида тўлинилади.

САВОЛ: ишхоналарда штатлар қисқариши қай тарзда ва қандай ҳолатда амалга оширилади. Шу ҳақда маълумот берсанми?

А. ҲАЙИТОВА, Шифокор

ЖАВОБ: Корхона ва ташкилотларда штатлар қисқариши туфайли иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш (иш берувчи томонидан ишдан бўшатиб юбориш) шартлари ва тартиби Меҳнат кодексиде белгиланган. Бюджет маблағлари ҳисобидан фаолият юритадиган давлат ташкилотлари, шу жумладан шифохоналардаги ходимлар штатларининг ҳадвали ажратиладиган молиявий маблағлар доирасида юқори турручи органлари томонидан тасдиқланади. Корхонани сақлаб туриш ва ходимларга иш ҳақи тўлаш молиявий шартларнинг қисқариши сабаб бўлиши мумкин. Бунда корхонада қайси штатлар қисқартирилиши лозимлиги штатлар ҳадвалини тасдиқладиган орган томонидан ҳал этилади ёки ажратилган молиявий маблағлар ҳақи доирасида раҳбарият томонидан ҳам ҳал этилиши мумкин. Қисқартирилган штатни эгаллаб турган ходим ишдан бўшатилишидан камида икки ой аввал ёзма оғохланрилиб, бу ҳақда ундан тилхат олиниши лозим. Бундан ташқари, унга ушбу корхонада бошқа бўш иш жойи мавжуд бўлса, у ерга ўтиб ишлаш таклиф этилиши керак. Ходим бунга рози бўлса, у ҳолда уни ишдан бўшатиш ўрнига бошқа ишга ўтказилади.

Штат қисқариши туфайли ишдан бўшатиш чоғида юқори малакали ходим ишда қолишда афзалликка эга. Малакаси тенг бўлган ходимларни штат қисқартирилиши туфайли ишдан бўшатиш чоғида бир қатор тоифадаги ходимлар (масалан, ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда таълим олаётганлар, шу корхонада узоқ вақтдан бўён ишлаётганлар, шу корхонада меҳнат жароҳати олган ходимлар ва бошқалар) ишда қолишда имтиёзга эгалар. (Меҳнат кодексининг 103-моддаси).

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ



Иўлларда транспорт воситалари қатновини тартибга солиш ва назорат қилишда Навоий вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари «Тоза ҳаво» тадбирида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Транспорт воситаларининг техник ҳолатини кўздан кечириш билан бирга ёқилгиларнинг сифатини ҳам синчиқлаб текширмоқдалар.

РАИС ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ, маҳаллаликларда фуқаролик йўналиши раислари (оқсозлар) ва уларнинг масъулиятлари сайлаш жараёни кўчирини давом этмоқда. Навоий шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг аҳли ва ҳажмига кўра яна бир бор исботини топмоқда. Бунга «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғинида сайловнинг уюшқорлик билан ўтгани ҳам мисол бўла олади.

«Матонат» - шаҳардаги бод маҳаллалардан. Утган йиллар давомида маҳалла ҳудудига катта бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Маҳалла гузар, бир қанча маънавий ҳаётни кўрсатиш шобобчилиги ишга туширилди. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги сай-ҳаракатлар ўз натижасини берди. Бирок, маҳаллада ёшларнинг кўпайиши муаммолар ҳам йўқ эмас. Сайловга тайёргарлик жараёнида хар бир аҳоли маҳаллада биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди. Номсозлар мавжуд муаммоларни ечиш йўллари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Маҳалла аҳли ҳаёт таъриқасига эга, билимли инсон, ана йиллардан бўён шу маҳалла учун жонбошиқ қўрсатиб келётган Урол Санжолонини қайта сайлашди.



Иўлларда транспорт воситалари қатновини тартибга солиш ва назорат қилишда Навоий вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари «Тоза ҳаво» тадбирида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Транспорт воситаларининг техник ҳолатини кўздан кечириш билан бирга ёқилгиларнинг сифатини ҳам синчиқлаб текширмоқдалар.

РАИС ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ, маҳаллаликларда фуқаролик йўналиши раислари (оқсозлар) ва уларнинг масъулиятлари сайлаш жараёни кўчирини давом этмоқда. Навоий шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг аҳли ва ҳажмига кўра яна бир бор исботини топмоқда. Бунга «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғинида сайловнинг уюшқорлик билан ўтгани ҳам мисол бўла олади.

«Матонат» - шаҳардаги бод маҳаллалардан. Утган йиллар давомида маҳалла ҳудудига катта бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Маҳалла гузар, бир қанча маънавий ҳаётни кўрсатиш шобобчилиги ишга туширилди. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги сай-ҳаракатлар ўз натижасини берди. Бирок, маҳаллада ёшларнинг кўпайиши муаммолар ҳам йўқ эмас. Сайловга тайёргарлик жараёнида хар бир аҳоли маҳаллада биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди. Номсозлар мавжуд муаммоларни ечиш йўллари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Маҳалла аҳли ҳаёт таъриқасига эга, билимли инсон, ана йиллардан бўён шу маҳалла учун жонбошиқ қўрсатиб келётган Урол Санжолонини қайта сайлашди.

КАССАГА ЭМАС, КИССАГА

ишнинг техника моллари ҳуқуқбузарлардан далилий ашё сифатида олинди. Олиб борилган суриштирув давомида Х. Усмонов «Хадра электроник» дўкони сотувчисига эканлиги, фуқаро Б. Ниёзов эса хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши маълум бўлди.

лаб чиқарувчи яширин цех фаолиятини йўлга қўйишди. Мўмад даромад илинжида истеъмолга яроқсиз маҳсулотлари билан дўкон пештахталарини тўдириб ташлашди. Пировадига, қилмиш-қидирмиш деганларидек, уларнинг эгри иши фош бўлди.

Ишон саломатлиги иқтимоий қадриятлар ичиде ҳамма энг муҳими ҳисобланган. Узимизнинг ва ўзгаларнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланмиш саломатликка даҳл этувчи хар қандай ҳолат жиноятдир. Бўлим

ҳодимлари томонидан олиб борилган навабатдаги назорат тадбирларида худди шу ҳолат билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар фош бўлди. Жумладан, фуқаро Равшан Бурхон тодбиркорликнинг ноқонуний йўлини таллабгина қолмай, балки ўзининг бу фаолиятига фарзандлари Жамшид ва Жаҳонгир Бурхонларни ҳам жиноий шерик қилди. Ота-бола Бурхонлар Шайхонтохур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 58-ўйда «кўлбола» усулда тайёрланган спиртли ичимликлар иш-

Республикамин Конституциясида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» деб ёзиб қўйилган. Республикамин қасаба уюшма ташкилотлари ҳам бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, кам таъминланган, кўп болали, ногирон ва ёрдамга муҳтожларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавийларини юксалтириш ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу каби тадбирлар иқтимоий шерикчилик асосида келишувлар ҳамда жамоа шартномалари орқали ҳал этиляпти.

ИШОН

шаъни, қадр-қиммати ва эркинлиги учун

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар ҳам шу йўналишда фаолият кўрсатишмоқда. Тармоқ меҳнатқашларига турли имтиёزلардан ташқари иш берувчининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда энгилликлар бериляпти. Аёлларнинг иш кунларини қисқартириш, 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда ойда кўшимча бир кун дам олиш кунини белгилаш, йиллик меҳнат таътилига чиққанларга уч кун қўшиб берилиши шулар жумласидандир.

Хусусан, ўтган йили тармоқ меҳнатқашларини иқтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Кам таъминланган оилаларнинг иқтисодий талаба фарзандлари учун Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ҳамда Қашқадарь вилоят тармоқ қасаба уюшма кенгашилар маблағи ҳисобидан стипендия тўлинилади. 944 нафар ўқувчи болаларга 3,5 миллион сўмлик ўқув қуроллари ҳамда кийим-кечаклар олиб берилди. Байналмилалчи жангчилар, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, кўп фарзандли оилалар, ногиронларнинг 3159 нафарига тиббий сихатгоҳларда даволаниш, дори-дармонларга сарфланганидан харажатларни қоплаш учун 25 миллион 786 миң сўм сарфланди.

Марказий кенгаш тизимидаги вилоят кенгашилар ҳамда вакилликлари томонидан иш ҳақидан қарздорликни бар-тароф этиш борасида қўллаб-қувватлаш ишлари қилинмоқда. Иш ҳақи тўловлари бўйича кўпгина корхоналарда мониторинг йўлга қўйилди. Шу билан бирга, вилоят ҳокимликларига, прокуратура идораларига, банкларга ёзма равишда мувожаатлар қилинди. Масалан, Марказий кенгашининг Навоий вилоти бўйича вакиллик томонидан иш берувчиларга 6 мартта, суд ва прокуратура идораларида 2 мартта расмий талаб билан мувожаат этилди. Иш берувчиндан ундирилган қарздорлик миқдори 27 миллион 444 миң сўмни ташкил этди. Жойларда қилинган ана шундай сай-ҳаракатлар натижасида ўтган йилнинг декабр ойида тармоқ бўйича иш ҳақидан қарздорлик бутунлай барҳам топди.

Тармоқ қасаба уюшмалари соҳа меҳнатқашларининг ҳуқуқий ҳимосини қонун устуворлиги асосида олиб бормоқда. Лекин айрим тиббий муассаса раҳбарларининг меҳнат қонунчилигини яхши билмасликлари ёки баъзи тиббиёт ташкилотларида ҳуқуқшуносларнинг йўқлиги сабабли, айрим меҳнатқашларнинг ҳуқуқлари поймол бўлмоқда. Ходимларни ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш, меҳнат дафтарчаларини юритиш, йиллик таътил бериш, иш графигини тузиш борасида айрим қонун бўзилмаларга йўл қўйилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, хар бир йўл қўйилган қонунбузарлик, адолатсизлик иш жойларида нотинч муҳитни келтириб чиқаради. Боз устига оддий меҳнат кишининг ишга бўлган масъулиятини суясайтиради.

Масалан, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 4-оилавий поликлиника иш берувчиси томонидан лаборант К. Меркулова билан бўш иш ўрни бўлишига қарамай, уч ойга муддатли меҳнат шартномаси тузилган. Марказий кенгаш мутахассислари аралашуви туфайли унинг муддатли меҳнат шартномаси бекор қилиниб, мазкур ҳужжат ноумайян муддатга тузилди. Яна бир шунга ўхшаш ҳолат Қашқадарь вилоят Қамати тумани Марказий шифохонасида юз берди. Ходим Абдумўмин Азимов Меҳнат Кодексининг 92-моддасига риоя этилмаган ҳолда 1 ставкадан 0,5 ставкага ишга ўтказилган. Қизиги шундаки, бу борада ходимнинг ҳеч қандай розилиги олинмаган. Мазкур масала ҳам ижобий ҳал этилиб, А.Азимов 1 ставка ишга ўтказилди.

— Сизни, аввало, адабиётшунос сифатида биламиз. Сўхбатимизни бадий адабиётга қисқача таърифдан бошлашас...

— Адабиёт — санъатнинг бир тури, фикр айтиш воситаси. Санъат эса ҳеч қачон фикрни оддий, тўғридан-тўғри айтмайди. Тимсолга — образга «ўраб» ифодаляди. Образлиқнинг минг битта қонунияти, шартли, талаби, хусусияти бор.

Адабиётнинг биринчи пайдо бўлган, лекин ҳеч ўлмайдиган энг кичик намуналари — ибора, матал, мақол. Кимки қаламқаш бўлмаган, энга манзур асарлар ёзмадан, деса, халқ яратган, асарлар мобайнида сайқал бериб келаятган ибора, матал ва мақоллардан ифода ўргансин. Чунки мақол баъзан ўзида бир романнинг мазмунини ифодаляди.

Тўрақўрғонда икки амаки борлар. Бобом кичиклари билан бирга яшардилар. Шунинг учун ҳаётликлари чоғи борганимизда, албатта, зияратни шу кичик амакиниқидан бошлардик. Яқинда аввал катта амакига қирғибиз-да. Кичик янгам гилла-гузор қилиб қолдилар-ку. «Ха, бобонгиз ўтганларидан кейин биз иккинчи даражали бўлиб қолдикми?» — демоқчилар. Лекин шундай десалар, бу ўта қуруқ, ҳатто, бироз дилга тегадиганроқ гап бўлар эди. Матал ўқидилар:

Катта толлар қирқилди, сов бермай қолдимми? Бухорода, ҳатто, баъзи сўкишлар ҳам «адабийлашган». Бир болақай тажаниқ билан йиғлаб, онасини қақираверди. Хамир қориб

ўтирган онаси хар қанча «хўв» дегани билан ҳеч тинчимади, дейлик. Охири аёлнинг асаби чидаш бермай: «Хе, хоки нами!» — деб юборади. Бу айнан «нам тупроқ» дегани. «Нам тупроқ» деганда эса янги қазилган қабр кўзда тутилади. Ҳамма ҳам бунинг асл маъносини билвермайди. Чунки адабиёт, бу ердаги истиоравийлик, яъни кўчма маъно фикрни қанда ўшаб қозғага ўрайди-да.

Шундай таъсирчан восита бўлгани учун ҳам адабиёт ҳамма халқда бор, замон коссом тезлигида тараққий этмасин, халқ мавжуд экан, адабиёт ўлмади. Халқни халқ қиладиган — адабиёт.

XIX асрда юртимиз уч давлатга бўлиниб кетган эди. Лекин айнан сўз санъати халқни халқ қилиб бирлаштириб турган. Давлатлар хар хил, давлат тили деган тушунчалар йўқ, лекин шунга қарамай Кўнда Увайсий, Амийрий, Нодира қайси тилда шеър битган бўлса, Бухорода Мўрмон Обид, Шавқий Каттақўрғоний, Хоразмида Мунис, Огаҳий шу тилда сўз айтган.

— Энди анъанавий савол: адабиётга меҳрингизга нима туртки бўлган? — Билмадим. Хар ҳолда, иккала бобом ҳам ўқимшли, ўта саводхон, давраларда эски адабиёт китобларини овоз чиқариб, «одамларни озига қаратиб» ўқиб берадиган кишилар эди. Ота-бобом Мулло Олимхон Бухоро мадрасаларида бир кунда амир қочиб кетганда қадар ўқиган эдилар. Онам раҳматли аввал тожик тили ва адабиётидан, қишлоқимизга келин бўлиб тушганларидан бу ёнга эса ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера эдилар. Бир тоғалари шоир бўлган. Ҳозирги Сама-

қанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультети сиртки бўлимида ўқиган. Лекин Иккинчи жаҳон урушининг собиқ иттифок чегарасини бузган биринчи кунидеаёқ Украинада халок бўлган. Онам у кишининг армиядан юборган кўн шеърларини асраб қўйган. Вақти-вақти билан бизга ўқиб берад, кўпини ёд билар эдилар. Ўзлари ҳам шеър машқ қилиб турар эдилар. Мирзаахмад укам Тошкентда ўқиган, ишлаган йиллари она-бола кўн шеърли ёзишмалар олиб борилган.

4-синфлигимдан шеър ёза бошлаганман. 6-синфга чиққаннимда катта дафтар тўлган эди. Бир дастасини «Ғунча»га юбордим. Эркин Маликовдан самимий, бир варақлик жавоб борган, жумладан: «Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимига учраб, шеърларингни кўрсат», — деб ёзган эдилар. Лекин қишлоғимиз Бухоро шаҳридан 40 километр узоқда. Энди уйласам, тахрир қилиб бўлса ҳам, шу машқлардан биттагиса босилганда, ким биланди, шоир бўлиб кетардимки...



6-синф охирида бир харбар ёзиб, туман газетасига юбордим. 4-тўрт кун ўтар-ўтмас босилиб чиқди. Яна ёздим, яна чиқди. Шоирликнинг муҳбирлик нақдрок кўрнாவверди. 8-синфини битириб, таътилда Вобкент тумани газетаси тахриратига маош олиб ишладим. 10-синфини битиргунча 6 газетанда 200 тача мақолам босилган.

Шу тариха мен журналистика факультетида ҳужжат топширдим. 5-курсда Файзулла ас-Салом, Нажмиддин Комиллов каби устозларим раҳнамолигида Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони русча, тожикча таржималари ва-


ҳам бор эди. Очиғи, менга эриш туюлди. Бир адабиёт ўқувчиси бўлса керак, мен ёзганимни яхши билади, 1992 йили чиққан эди, яна нима мақсадда сўраб ўтирибди. «Ха», — деб сўз қолдим. Махлис туғаб, ҳамма тарқаяпти. Туман ҳокимияти биноси олдиде уч-тўрт киши туририбиз. Бир амаки сал нарироқда бизга нимадир демократик бўлгандай кетолмай, айландилар. «Сизга айтганда бир гаплари борга ўхшайди», — дедим туман ҳокими ўринбосарига. Чақирдик. Боғи савол муаллифини эканлар. Адашбман, адабиёт ўқувчиси эмас, кўп йил трактор ҳайдаган оддий меҳнатқаш бир киши эканлар. «Мен ҳам бир ошқ-машқ китоб ўқийми», — деб сотиб олиб, қарасалар, китобда Алишер Навоийнинг «Лисон у-тайр»идаги Оллоҳқа иш масаласи таҳлил этил-

Неъмат РАФИҚОВ «Ишон» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



**12 май — Халқаро
ҳамширалар куну билан
юртимиздаги фидойи касб
эгаларини самимий
қутлайди**



ган. Бола-чақани йиғиб, бил-
лалашиб ўқишди.

Битта шундай чин мухлис
учунгина бўлса ҳам китоб
ёзиш керак!

Илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, публицистик мақолаларингизда, хатто, баъзан адабиётшуносликка оид рисола-ларингизда ҳам фикрингиз исботи учун дарҳол бирон ҳаётий мисол таҳлил-га тортлади.

визорда иқтисодий мавзуда кўрсатув берилляпти. Бир иқтисодчи профессор гапиряптилар: "Ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият ва номутаносиблик охири-оқибат ишлаб чиқариш кучларини ҳам, ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Бундан ишлаб чиқариш кучлари ҳам, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам бирдай за-

кўрсатуви юракка нозик таъ-
сир қилиб, ёшлар учун кўз
сари бир тўлқин беради...

— Нега айнан "Меҳр кўзда"?

— Бу кўрсатувда сохталик йўқ. Халқ, демак, Ватаннинг ўзи бор. Бу одамлар тақдир, сўзи, шеваси, дарди, қадридонини кўмсаш туйғуси, кийиниши, кўз ёшида ҳам шундоқ акс этиб турибди.

Яқинда Бухороий Шарифнинг Баҳроуддин Нақшбанд

уйланмаган?" — деган савол. Шоир замонда, эҳтимол, минглаб одамлар уйланмагандир. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам оила қуришни истамаган буюк ижодкорлар кўп ўтган-ку. Бундайлар ҳозир ҳам хоҳлаганча топилади. Аввал Навоийнинг ижоди, асари, фикри ҳақида сўралмайдими? Ахир, айнан шу қолдирган мероси билан Навоий Навоийлик.

— Иккинчиси: "Нега лотин ёзувида утяпмиз, ахир, кинрил ёзувидаги шунча китобни болаларимиз қандай ўқийди?" — деган савол. Аввало, лотин ёзуви асосидаги алифбода ўқиганлар бултур мактабни тугатди. Қолаверса, биз қолоқ алифбодан ил-горига ўтяпмиз. Бундан ташқари, болаларимиз мактабда 1-синфдан рус тили фанида кинрил ёзувини ўрганади, уларга ўқиш муаммо эмас. Ёки, барча замонда ҳам инсон кийимини янгилаб тургани каби, ҳамма вақт янги нашр ўқилади, яъни керакли китобни яна қайтадан лотинда босаверамиз. Борингки, аллақачон ҳал қилиб бўлинган масалани муҳокама қилиб ўтиришдан бирор наф борми? Озарбойжон ўтди-қўйди. Ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку. Ҳатто, Россиядан биродарларимиз электрон алоқа орқали хат жўнатаётганда рус тилидаги маттни ҳам лотин ҳарфлари билан ёзаяпти: компьютер лотинини янги ўқийди, деб.

— Учинчиси: сўровчи жавобни ичида пиштитиб олиб, кейин савол беради. Кўпинча бу жавоб шўроча тафаккур асосида шаклланган ҳам бўлади. Жавобингиз ўшанга мос тўшса, хўп-хўп, мос тўшмаса, бош чайқайди: бўлмади! Лекин халқ орасидан ни-

ҳоятда асосли, ўринли, қўтарилиши, ҳал этилиши жуда-жуда зарур бўлган шундай саволлар тушадики... Булар ҳақида қисман "Тафаккур" журналининг 2005 йил 4-сонидаги "Маърифатнинг юки оғир" мақола-сида жавоб берилгани учун бу ерда алоҳида тўхтаб ўтирмайлик.

— Маънавийнинг энг катта муаммоси нима?

— Онг жуда секин ўзгараётгани-ю ахлоқсизлик ниҳоятда тез сўратлар билан кинриб келаётгани. Биринчиси, ҳам, иккинчиси ҳам исботлаш учун ҳозир кўп далил келтириб ўтириш шарт бўлмас керак. Яна бир катта муаммо — ҳаётда сўз билан иш бирлигига эришиш мушкуллигидан келиб чиқади.

— "Маънавий вазиятнинг бузилиши" деганда нимани тушуномок керак?

— Катта бўлсин, кичик бўлсин — ҳар қандай адолатсизлик амалда маънавий вазиятнинг бузилишига олиб келади. Масалан, раҳбар синдирилдан ишлаётганларни ҳақоратлаб, ишқамсларни рағбатлантирса, демак, унинг ўша иш бермаётганлар олдида нимадир тили қисқиб ери бор. "Муттаҳамлик" дейди буни халқ. Кенгроқ маънода, жамиятда халқ айтганидек "Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир"лар кўпайиб кетса, шоир айтганидек, "айшни нодон суриб, қулфатни доно тортса", "сув келтирган хор-зор-у, кўза синдирилган азиз бўлса", бундай вазиятни маънавий соғлом муҳит дейиш қийин. Маънавий муҳитни соғломлаштириш учун курашни бир лаҳзага бўлсин тўхтатиш мумкин эмас.

Бор-йўғи икки шахс бир-лигидан иборат оилада ҳам, бир неча кишилик жамоада ҳам, бутун бошли жамиятда ҳам — гап шу.

— Навоий асарлари ҳақида сўз борса, тили мураккаблиги, тушуниш қийинлиги айтилади. Бу фикр қанчалар асосли?

— Талабалик йилларидан бошлаб бир неча ўн йиллар Навоий асарларини турли лугатлар билан ўқиб, тушуниш билан машғул бўлиб келган киши учун бу тил, шубҳасиз, "ўзиники"га айланиб кетади. Лекин "қатъий" сўзи охирида "й" бўлиши кераклиги, "қатъи назар" бирикмасида эса "й" ҳарфи ёзилмаслиги ни ажратиб, билиб ололмаган одам учун Абдулла Ориповнинг тили ҳам жуда мураккаб-да. Ишонмасангиз, шундай одамлардан бу улуг шоиримизнинг:

Ватерлоода хат қилди Наполеон,

— ёки:

Колумбда бор аламин мамин,

— мисралари мазмунини сўраб кўринг. Тил билиш дегани — амалда кўп нарсани билиш дегани. Бунга меҳнат-машаққат билан эришилади. Навоийни ўқийверсангиз — ишонинг, тушунаверсангиз.

— Бирок бу жараён осон кечмайди. Бир адабиётшунос Навоий асарида келган "бўлди тут" ифодасидаги "ту"ни мевали дарахт маъносиде тушуниб, мақола ёзибди. Холбуки, бу — "ҳисобла" маъносидеги феъл, "бўлди деб ҳисобла" дейилмоқчи. Ёки "ҳайрат" сўзини Навоий, аввало, "рашк" маъносиде ишлатади. Энди уни "ҳайрат-лашжот" деб тушунаверсангиз, иш бузилди — байтдан маъно чиқмайди-да.

Мусоҳаба

— Сизда бир нарса ҳам ёқиб, ҳам ёқмай қолган вақтлар бўлганими?

— Бу саволингизга қандай жавоб қутаётганингизни билмадим-у, лекин шунақаси ҳам бўлади.

— Масалан...

— Менга, хусусан, "Хандалак", қисман, "Қажқоҳа" гуруҳининг Зарафшон водий-си кишилари руҳиятини айнан, бузмасдан, борича, самимий акс эттираётгани жуда-жуда ёқади. Чунки бу янгилик ҳам. Сабаби театр, кино, телевидение санъатида шу пайтгача Тошкент, Фарғона руҳияти кўп акс этган.

Бу "жўралар" баъзан ота-ўғил, ака-ука ролини ҳам бажаришади. Энди ана шу ота-ўғил, ака-уканинг бир-биридан талаффузда ҳам, оҳанг-да ҳам фарқ қиладиган икки шевада — бири қипчоқ, иккинчиси қарлұқ тил лаҳжасида гаплашганини ҳеч ҳазм қилиб бўлмайдими-да. Шу эри самимий эмас, "касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деганларидек, рол ўйнаётгани шундоқ билиниб қолади.

— Энди қутилмаган бир савол: яшашнинг осон йўли борми?

— Бўлмасам-чи?

— Хўп, нима?

— 24 соат ишлаш.

— Бунинг иложи йўқ-ку?!

— Бор. Албатта, умумий маънода 24 соатнинг учдан бири — ишга, учдан бири — эркин дамга, учдан бири — уйкуга ажратилиши керак. Лекин, аслида, инсоннинг умумий меҳнат қуввати кўпинча саккиз соатга ҳам

етмайди. Демак, 24 соатни қандай қилиб бўлса ҳам кўпроқ унумли меҳнат соатини ҳосил қилишга бўйсундириш, умр бўйи шунинг йўлларини излаш, тинимсиз равишда меҳнат қобилиятини такомиллаштириб бориш керак. Буни ҳам халқ зўр қилиб айтиб қўйган: ишнинг ўзини билганча кўзини бил!

Бир хорижлик етук мутахассис: "Ишхонамдаги вазифамни бор-йўғи 2 соатда бажараман, қолган иш вақтини бошқа фаолиятга, жумладан, ўзимни ўстириб, шу 2 соатни ҳам камайтиришга бағишлайман", — деган эди. Демак, бу одамнинг 24 соати 96 соатга тен!

Майндаги Франкфурт шаҳрига учганимизда 7-8 соатни аксар йўловчилар бекордан-бекор ўтказди, Баъзилар бекорчиликдан зерикиблар кетди. Бир нечисиз тизасига компьютерчасини қўйиб олиб, нима-лигини билмадим-у, лекин тинмай ёзди-да. Бошқалар бекор ўтирганда у ишлади. Шу ишига бакуваттинга ҳақ олади-да. Ким билди, у шу вақт ичида бир бебаҳо кашфиёт яратгандир!

Кам куч сарфлаб, кўп унумга эга бўлаётган одам — осон яшаётган одам! Чунки унда бир умрнинг ўзиде бир неча умрни яшаш имконияти бор. Фототидан кейин ҳам ўлмайдиган ишлар қилиб кетган одамларнинг ҳаммаси шундай "осон" яшаган.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур.

Адабиётшунос Султонмурод Олим билан журналист Лазизжон Баҳронов суҳбати

Сабани сўрамоқчиси-да? Илм, журналистика — факт билан тирик. Адабиётшунослик ҳам, журналистика ҳам — одамшунослик. Одам, аввало, одамга қизиқади. Ҳаётий мисолда одам бор-да.

Адабиётшунос ёзадиган илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, публицистик мақолада уч жиҳатдан — бево-сита ҳаётдан, тарихдан, адабиётдан, ҳеч бўлмаганда, бирортасидан мисол таҳлилга торттилиши керак, деб ўйлайман. Чунки, биринчидан, кенг омма илмий-назарий атамалар билан фикр-лаб ўрганмаган, иккинчидан, шунда таъсирчанлик ошади, ёзганингиз қутилмаган даражадаги ишонтириш қуввати пайдо қилади.

Отам раҳматли билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Шўро даврининг охирилари. Теле-

рар кўрмоқда..." Суҳбат шу услубда давом этяпти. "Нима деяпти?" — дедилар дадам охири сабрлари чидамай. "Ишлаб ётибмиз, ишлаб ётиб-миз-у, бу чаток кам", деяпти", — дедим ўнг қўлимнинг бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бир-бирига ишқалаб, пулга ишора қилиб. "Шуни одамдай қилиб айтса, ўладими?" — деган эдилар дадам.

— Ватан ҳақида ўйлаганда кўпроқ нималар тўлқин-лантиради?

— Бу кўп нозик савол. Биз мустамакка зулмида яшаган, шунга қарамай, имкон қадар ўзлигини йўқотмаган халқмиз. Шу нозик нуқтага салгина тегиб кетадиган воқеа-ҳодиса, мақола, адабий асар, кино, театр сахнаси, баъзан карнай-сурнай навоси, боғча бо-ласининг берилиб шеър айтгани, хатто, "Меҳр кўзда"

кўчасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусикаси муаллифи Мутаваккил Бурҳонов умрининг сўнгги беш йилида яшаган уй-музеида бўлдим. Эшикдан қадам қўйишим билан юракдаги ажиб бир тўлқин кўзага қилиб ўтиришдан бирор наф борми? Озарбойжон ўтди-қўйди. Ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку. Ҳатто, Россиядан биродарларимиз электрон алоқа орқали хат жўнатаётганда рус тилидаги маттни ҳам лотин ҳарфлари билан ёзаяпти: компьютер лотинини янги ўқийди, деб.

— Кўпинча одамлар орасида сизга ёқмайди?" — деганингизда яхшироқ бўлар эди. Кўп суҳбатларда бир хил сўйлашқиси чиқиб кетган савол тушади. Назаримда, шуни савол тарзида бериш мумкинлигини аниқ билгани учунгина шундай саволни ўртага ташлайди ўша одам.

Биринчиси: "Навоий нега

уйланмаган?" — деган савол. Шоир замонда, эҳтимол, минглаб одамлар уйланмагандир. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам оила қуришни истамаган буюк ижодкорлар кўп ўтган-ку. Бундайлар ҳозир ҳам хоҳлаганча топилади. Аввал Навоийнинг ижоди, асари, фикри ҳақида сўралмайдими? Ахир, айнан шу қолдирган мероси билан Навоий Навоийлик.

Иккинчиси: "Нега лотин ёзувида утяпмиз, ахир, кинрил ёзувидаги шунча китобни болаларимиз қандай ўқийди?" — деган савол. Аввало, лотин ёзуви асосидаги алифбода ўқиганлар бултур мактабни тугатди. Қолаверса, биз қолоқ алифбодан ил-горига ўтяпмиз. Бундан ташқари, болаларимиз мактабда 1-синфдан рус тили фанида кинрил ёзувини ўрганади, уларга ўқиш муаммо эмас. Ёки, барча замонда ҳам инсон кийимини янгилаб тургани каби, ҳамма вақт янги нашр ўқилади, яъни керакли китобни яна қайтадан лотинда босаверамиз. Борингки, аллақачон ҳал қилиб бўлинган масалани муҳокама қилиб ўтиришдан бирор наф борми? Озарбойжон ўтди-қўйди. Ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку. Ҳатто, Россиядан биродарларимиз электрон алоқа орқали хат жўнатаётганда рус тилидаги маттни ҳам лотин ҳарфлари билан ёзаяпти: компьютер лотинини янги ўқийди, деб.

Учинчиси: сўровчи жавобни ичида пиштитиб олиб, кейин савол беради. Кўпинча бу жавоб шўроча тафаккур асосида шаклланган ҳам бўлади. Жавобингиз ўшанга мос тўшса, хўп-хўп, мос тўшмаса, бош чайқайди: бўлмади! Лекин халқ орасидан ни-

КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Инсон ўзида қайси сифатларни алоҳида тарбияласа, унда ўша хижатлар кучайиб бораверади. Айниқса, болалигида шаклланган феъл-атвор, тушунчалар инсоннинг бутун умри давомида муҳрлиб қолади. Шу боисдан ҳам келажакимиз пойдеворлари бўлиши ёшларда эзгу сифатлар — Ватанга муҳаббат, миллий гурур, меҳр-оқибат, садоқат, бурч ва шу каби ноёб фазилатларни шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади.



«Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Интизом», «Миллий қадриятлар», «Дустлик», «Истеъдод» ва шу каби ўн икки йўналиш бўйича голиб деб топилган энг фаол ўқувчилар муносиб тақдирландилар.

Тадбир якунида қалбларифтихор туйғулари билан тўлиб тошган ёш авлод вакиллари ўзларининг чексиз меҳр-муҳаббати рамизи сифатида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. «Туркистон» саройида тадбир қатнашчилари учун «Томоша» болалар ансамбли ва бошқа бир қатор санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА,
«Ишонч» мухбири
Икром ХАСАНОВ
олган суратлар



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташкилотчилигида кеча пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонинда бўлиб ўтган тадбир айнан ана шундай мақсадларда амалга оширилди. Мустақиллик ва эзгулик монументи қаршида пойтахтимизнинг бир қатор мактабларидан келган болаларнинг синф аълочи ўқувчиларининг бир гуруҳи «Камолот» ЕИХ аъзолари сафига ўтиш учун тантанали равишда қасамёд қилдилар. Уларнинг бегубор чехралари чексиз қувонч ва қайноқ ҳаяжондан ял-ял ёнади. Анжуманда Республика «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев қасамёд қилган ўқувчилар-

ни қизгин табриқлаб, ҳар қандай юксакликка бошловчи йул — Ватанга, юртга бўлган муҳаббатдан, садоқатдан бошланиши ҳақида гапирди.

Спорт оламида

Футбол

ВИКТОР ЖАЛИЛОВ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

УФФ ахборот-таҳлил бўлими тарқатган хабарга кўра, Муборакнинг «Машъал» клуби раҳбарияти жамоа бош мураббийи Виктор Жалиловни истеъфого чикарди. Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида Ироқнинг «Ал-Минаа» жамоасини ўз уйида енга олмагач, шунингдек, навбатдаги мамлакат чемпионати ўинларида «Нефчи» жамоасига 0:1 ҳисобида ютказиб қўйилган сўнг «Машъал» жамоаси раҳбарияти шундай қарорга келган.

Жалиловнинг ўрнини эгаллаш учун ҳозирда учта мураббий номзод саналади. Улар Жалилов билан доимо бирга ишлаб келган Амет Мемет, яқиндаги футболчилик фаолиятини якунлаган Миржалол Қосимов ҳамда жамоа вице-президенти Баҳром Давлатовлардир. Ҳозирча жамоани мураббийлар кенгаши бошқариб турибди.

«СЕВИЛЬЯ» — УЕФА КУБОГИ СОҲИБИ

Кўча кўтирнинг энг нуфузли совринларидан бири саналмиш УЕФА Кубоги Испаниянинг «Севилья» жамоасига насиб этди. Финал ўйинида улар Англиянинг «Мидлсбро» жамоасини йирек 4:0 ҳисобида мағлуб эттиди. Уинда ҳисобни Луис Фабиано очган бўлса, кейинги тўпларни Мареска (иккита), Фредерик Канутлар киритишди. Шундай қилиб, «Севилья» жамоаси ўз тарихида илк марта нуфузли кубокни қўлга киритди.

ШОҲМОТ

ТОПАЛОВГА «ШОҲМОТ ОСКАР»И БЕРИЛДИ

Кеча Болгариянинг София шаҳрида шохмот бўйича «Мастерс» халқаро турнирига старт берилди. Бу мусобақа нуфузи жиҳатидан шохмот оламидаги Линарес ҳамда Вейк-ан-Зее турнирларидан кейинги ўринда туради. Бу йилги баҳсларда дунёнинг олти нафар энг кучли шохмотчиси ўзаро донна суради. Улар амалдаги жаҳон чемпиони болгариялик Веселин Топалов, хиндистонлик Вишванатан Ананд, россиялик Пётр Свидлер, украинлик Руслан Пономарёв, француз Этьен Бахро ва америкалик Гата Камскийлардир.

Мусобақанинг очилиш маросимида FIDE президенти Кирсан Илюмжинов ва бошқа меҳмонлар ҳозир бўлди. Тантаналарнинг энг юқори нуқтаси «64» шохмот журнали тасвир этган «Оскар» мукофотининг тақдимоти бўлди. Бу «Шохмот Оскар» болгариялик Веселин Топаловга насиб этди.

БОКС

МАСКАЕВГА ШАФҚАТ КИЛИНМАЙДИ

Ўзи бокс оламида одат шунақа. Хали жанглр бошланмасдан туриб, рақибини ноқуят этаман, янчиб ташламан, дея ҳар соладин боксчиларнинг гап-сўзларига кўпчилик ўрганиб қолган. Балки, бу жангдан олдинги руҳий ҳужумдир. Эҳтимол, ўзимизнинг «Кўрқоқ олдин мушт кўтарар» мақоли сингари ҳолат ҳам бўлиши мумкин.

WBC йўналишининг ўта оғир вазнида жаҳон чемпиони Хасим Раҳмон чемпионлиқа давсдоғ россиялик Олег Маскаевга қарши 12 августда кечадагидан жангга бағишланган матбуот анжуманида ўзини тугиб турилмади.

— Жанг ноқуят билан тугайди. Уни шундай қалтқайланки, ҳатто у боксчи бўлганига пушаймон бўйди. Унга раҳм-шафқат қилинмайди, — дедан Хасим Раҳмон.

Унга жавобан Олег Маскаев босиклик билан фикр билдирган. «Мен бир нҳрсани билмаман. Бугун Раҳмон кучли боксчиدير эҳтимол, эртага эса ҳеч ким бўлай қолиши мумкин. Унинг гаплари менга зарарча таъсир қилмайди. Формамни тиклаш учун машғулотларга қаттиқ киришаман.»

ТЕННИС

РОССИЯЛИКЛАР КЕЙИНГИ БОСКИЧДА

Италия пойтахти Рим қортларида давом этаётган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда россиялик теннис усталари Марат Сафин, Николай Давиденко ҳамда Михаил Южнийлар кейинги боскичга йул олди.

Марат Сафин бу йилда ҳамюрти Теймураз Габашвилини қатта қийинчилик билан енгган бўлса, Давиденко сербиялик Борис Пананскийни осонликча мағлуб этди. Михаил Южний грунтли майдонда ўйнаш ҳадисини олган қўриқнади. У ватандоши Дмитрий Турсуновга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Интернет хабарлари асосида **А.МАМАЖОНОВ** тайёрлади

Қайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки кўркемроқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва хунуқроқ одамлар ҳам борлигини эсланг.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Қачонки ишлар ўз аҳлидан бошқа кишилар қўлига ўтказилса, қўймагни кутаверинг.

Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглр. Емон сифатларидан тилингизни тийинглр.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институтинда хотира турнири ўтказилди. Унда спортнинг минн футбол, кўл тўпи, шохмот, шашка турлари бўйича 500 нафар талаба, 250 нафар профессор-ўқитувчи ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказдилар.

ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРИЛДИ

— Жамоамизда кўп йиллар ишлаб, вафот этган профессор-ўқитувчилар руҳини шод этиб, уларга яна бир бор ҳурмат-эҳтиром бажо келтирдик, — дейди институт бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси Файрат Қодиров. — Қолаверса, ушбу тадбир спортнинг оммалашувиға хизмат қилади.

Ғолиблар институт ректорати ва қасаба уюшма ташкилотининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

ИНТЕРНЕТ ХАБАРНОМАСИДАН

«БОРЖОМИ» КАНАЛИЗАЦИЯГА ОКИЗИЛАДИ

Илгари хабар қилинганидек, Россия Федерациясининг бош санитар врачн Геннадий Онншенко Грузиядан «Боржоми» минерал сувини олиб келишни таъқиқлади. Бунга унинг сифатсизлиги сабаб бўлди.

Кўни кеча Москва шаҳар Бутирск туман суди қарори билан 10 тонна ушбу минерал сув йўқ қилинадиган бўлди. Уни олиб келган фирма 40 минг рубл миқдорига жаримага тортилди.

Қизғи шундаки, Россияға конусиэ келтирилган 3,5 мингга бир ва 10 мингга ярим литрлик шиша идишларға қуйилган «Боржоми» шифобахш сувлари каналзацияға оқизилади.

УМРНИ УЗАЙТИРИШ СИРЛАРИ

Ҳар бири киши умрини 10 йилға узайтириши мумкин. Бунинг учун озгина ҳаракат бўлса бара. Англиянинг Кэмбридж университети олимлари шундай хулосаға келишди. Таҳрибада 49 дан 79 ёшгача бўлган 25 минг нафар киши қатнашди.

Масалан, ҳар кун биттадан олма истеъмол қилиш кишиға қўшимча уч йил яшаш имконини беради. Олимларнинг ана шундай оддий маслаҳатларига амал қилиш ҳар биримизнинг ҳаётимизни анча узайтиради. Бундан ташқари, озгина жисмоний тарбия ҳам киши организмига қатта ижобий таъсир қилади ва ўлим ҳавфини 15-20 фоизға қисқартиради.

— Шунга қарамадан, чекишни ташлаш бу ишда қатта самара беради. Бу ҳолатда инсон яна 5 йил узоқ ҳаёт кечириши мумкин, — дея эътироф этишди инглиз олимлари.

ХИТОЙ АВТОМОБИЛЛАРИ РОССИЯДА СОТИЛАДИ

Россия бозоридаги энг йирик дилерлардан бири «Рольф» гуруҳи яқин икки-уч йил ичида Хитой автомобилларини шу ерда сотишни режалаштирмақда.

— Компания ҳозирги кунда Хитойнинг тўртта автокорхонаси билан ишламоқда, — дейди унинг бош директори Мэт Дон-

нелли «Financial Times»ға берган интервьусида. — Ҳозирнинг ўзида мутахассисларимиз ушбу мамлакатнинг иккита автомобил ишлаб чиқариш заводига бўлиб улгуришди.

Стратегик маркетинг бўйича бош ме-неджер Валерия Тараканованинг айтишича, ҳозирги кунда Хитойнинг энг йирик автокорхоналари билан музокаралар олиб борилмоқда. Лекин у уларнинг номини айтишдан бош тортиди. Унинг фикрича икки-уч йил ичида Хитой автомобилларининг янги авлоди тугилади. Бу эса унинг сифати сезиларли даражада яхшиланиши имконини беради. Шу боис «Рольф» Хитойда тайёрланган енгил, йул ҳужалиғи учун, камтонналик юк ташувчи машиналарни сотиб олади.

ОСИЁЛИКЛАРНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

ИТАР-ТАСнинг хабар беришича, ёқилға қимматлашганлиғи боис АҚШда автомобиль сотишининг умумий миқдори камайиб кетган. Масалан, «General Motors» компаниясида шу йилнинг апрел ойида бу борадаги пасайиш 7 фоиз бўлди. Бу рақам «Ford Motor»да 3, «Daimler Chrysler»да 4 фоизни ташкил этди.

Лекин бугунги кунда америкаликлар Осиё машиналарини кўпроқ харид қилишмоқда. Натижада «Toyota Motor» компанияси автомобиль сотиш суръатини 9 фоизға оширди. «Honda» эса ўтган йил март ойига нисбатан 6,5 фоиз кўп машина сотди.

ДУНЁНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛАРИ

«Forbes» журнали дунёнинг энг кўп сармоёға эға бойларини эълон қилди. Рўйхатнинг биринчи погонаси 21 миллиард долларлик мулка эға Саудия Арабистони подшоҳи Абдаллага тегишли. Кейинги ўринлари Бруней султони Хасанал Балкиах, Бирлашган Араб Амирликлари президенти шайх Халифа бин Заида аль-Нахайяна эғгаллади. Ушбу рўйхатға Куба раҳбари Фидель Кастро ҳам киритилган. Унинг сармоёси 900 миллион доллар деб хисобланмоқда. Бундай маълумот Куба раҳбарига эътироз уйғотиб, у «Forbes» журналинн судға берилишини айтган.

Хоразм Маъмур академиясининг етакчи алломаси бўлган Абу Райхон Берунийни биз асосан ўз даврининг барча илмларини эғгаллаган ва фаннинг кўпқаб соҳалари билан шугулланган қомусий олим сифатида биламиз. Холбуки, у бадиий ижод билан ҳам муттасил шугулланган: шеърлар ёзган, кўпқаб шоирларнинг шеърларини таҳлил этган, шарҳлаган ва уларни ноҳақ танқидлардан ҳимоя қилган, қатор адабий асарларини форсийдан арабчага ўтирган, таржима асарларини тадқиқ этиб, уларға баҳо берган. Беруний ёзган 152 номдаги асарининг 18 таси адабиёт ва унга ёндаш соҳаларға оиллиғи беҳиз эмас.

Ўтмишда шоирлар турли фанлардан яхши хабардор бўлганларидек, олимлар ҳам кўпичинча бадиий адабиёт ва ахлоқ-одобға оид материаллар орқали бойитилгани билан алоҳида аҳамият касб этишини қайд қилган эди. «Осор ул-боқия» ва «Сайдона» асарларида ҳам 40-50 шоирнинг шеърларидан намуналар берилди. Жумладан, «Сайдона» асарига турли доривор моддалар, ўсимлик ва меваларни таърифлар

нова Берунийнинг бошқа софиллий асарларида асосий мавзу бадиий адабиёт ва ахлоқ-одобға оид материаллар орқали бойитилгани билан алоҳида аҳамият касб этишини қайд қилган эди. «Осор ул-боқия» ва «Сайдона» асарларида ҳам 40-50 шоирнинг шеърларидан намуналар берилди. Жумладан, «Сайдона» асарига турли доривор моддалар, ўсимлик ва меваларни таърифлар

Утмишда шоирлар турли фанлардан яхши хабардор бўлганларидек, олимлар ҳам кўпичинча бадиий адабиёт ва ахлоқ-одобға оид материаллар орқали бойитилгани билан алоҳида аҳамият касб этишини қайд қилган эди. «Осор ул-боқия» ва «Сайдона» асарларида ҳам 40-50 шоирнинг шеърларидан намуналар берилди. Жумладан, «Сайдона» асарига турли доривор моддалар, ўсимлик ва меваларни таърифлар

Беруний ўз шеърларини араб тилида ёзган бўлиб, улар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Фақат Ёқут Хамавийнинг «Мўъжам ул-удабо» («Адиблар анжумани») асарига улардан айрим намуналаргина сақланиб қолган. Ёқут қомусий аллома ижодидан жами 17 байтдан иборат бир қасида ва икки-уч шеърини парчанн мисол тарикасида келтиради. Бу шеърлар асосан таржимайи ҳол ҳарактерида бўлиб, уларда муаллафининг ўзи ҳақидаги мулоҳазалар ва атрофидаги кишиларға муносабати акс этган. Чунонки, қасидада у дастлаб адолат, саховат ва илм-фан раванқи хусусида ҳумдорлар билан қилган сўхбатларини келтириб, кейин замондоши Абулфатх Бустий мадҳига ўтади, охирида ўзининг муҳолифлари ҳақидаги фикрларини келтиради.

Беруний «Осор ул-боқия» («Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар»), «Хиндистон», «Ал-жавоҳир» («Минерология»), «Геодезия», «Сайдона» («Фармакогнозия») асарларида ўз фикрларининг далили учун кўпқаб шоирларнинг шеърларидан намуналар келтиради ҳамда билмидон ва нозиктаб адабиётшунос сифатида уларни таҳлил қилиб беради. Айниқса, «Ал-жавоҳир» ва «Сайдона» асарлари шеърини мисолларға бойлиғи билан ажралиб туради. Чунонки, «Ал-жавоҳир»да 84 шоирнинг 740 мисра шеъри иқтисо сифатида келтирилган. Шунн назарда тутиб, Фозила Сулаймо-

Байналмилалчи жангчилар Беллашуви

«Хомийлар ва шифокорлар йили» ҳамда «9-май Хотира ва қадрлаш кунн» муносабати билан Сурхондарё вилоят таълим ва фан соҳасида ишлаётган байналмилалчи жангчилар ўртасида спортнинг минн футбол, шохмот, шашка, арқон тортиш, армрестлинг турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Қизгин баҳслар остида кечган беллашуларда биринчи ўрин Сарюсиё тумани вакиллариға насиб этди. Кейинги ўринлари Шўрчи ҳамда Узун тумани байналмилалчи жангчилари эғгаллашди.

Вилоят таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Кенгаши голиб жамоаларға қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиғи олдидан

билан ва асаринг бевосита асл нусхасидан иқтибослар олган, деган хулосаға келади. Берунийнинг ўз эътирофи бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. «Мен болалик чоғимданок ўз ёшим ва шароитимға қараб, имкони борича кўпроқ билим олишға интилдим, деб ёзган эди аллома. — Бунинг далили сифатида қуйида-

Беруний, айниқса, таржима билан қизгин шугулланган: хиндларнинг китобларини арабчага, араб ва юнончада битилган асарларни эса санскрит тилиға ўтирган. У таржима билан шугулланар экан, бошқа таржимонлар фаолиятиға ҳам баҳо беради, улар таржима қилган асарларни аслиятта қиёсан текширади. Айни жиҳатдан унинг IX асрда яшаган етуқ олим ва таржимон Абдулло ал-Муҳаффа фаолияти билан боғлиқ қуйидаги мулоҳазалари эътиборға молик:

«Қалила ва Димна» номи билан машҳур бўлган «Панчатантра» деган китобни имконият топиб таржима қилсам, деган орузим бор. Чунки у китоб Абдулло ибн ал-Муҳаффа каби ўзгартириб юбормаслиқларига ишончи бўлмайдиган бир гуруҳ кишилар тили билан хиндчадан форсчаға, сўнгра форсчадан арабчаға таржима қилиб келинди. Абдуллох ибн Муҳаффа «Қалила» китобига (ўзидан) Барзавойғ бобини қўшди; бундан мақсади динға эътиқоди кучсиз кишиларни шак-шубҳада қолдириш ва уларни маннояға мазаҳи-

га қақираётганларға зарба бериш эди. Китобға боб қўшиб ишончсиз бўлган киши таржимада ҳам (жумла) орттириб ишончсиз бўлишдан четда қолмайди.

Бошқа таржимонлар ҳақида ҳам «мана бу фаслда сўзларни қориштириб юборган», «мана бу ўринда ўзгартиришлар қилган» каби фикрларни билдириб ўтади. «Рамаёна» асари таржимаси муносабати билан диний мутаассибликнинг таржимачилик ишиға, умуман фаён ривожига салбий таъсир ўтказиб қолганини танқид қилади. Уламолар охири «С» билан тугаллангандагн юнон ва рим олимларининг номларидан ўлғудай нафратланардилар, натижада ҳар турли таъкиблардан қўтилиш мақсадида мутаржимлар уларнинг номларини арабийлаштиришға мажбур

лар. Шунинг учун мен Иқлидус ва Ал-Мажастиий асарларини хиндларға таржима қилиб қўрсатишда худди шу — хинд шеърини ўлчо-ви бўлиши илокарлар тугайли қийналмоқдаман. — дейди Беруний. «Хиндистон» китобида шлоқани арузға қиёслаб ўрганар экан, шлоқа ҳам аруз каби очик ва ёпиқ бўғинлардан ташкил тогани, хиндлар ҳам енгил ва оғир бўғинлар мавжудлиғи, икки енгил бўғин бир оғир бўғинға тенглиғи хусусида ёзади. Айни пайтда, улар ўртасида тафовутлар ҳам кўп. Жумладан, шлоқада енгил товушлар ёки унлиларнинг бир нечаси кетма-кет келиши мумкин. Шлоқада ҳарфларнинг ёзувдаги сони эмас, талаффуздаги миқдори ҳисобга олинади ва ҳоҳоза. Таҳлиллар натижасида у шлоқа аруздан кўра қулай, деган хулосаға келади. Шлоқанинг ички имкониятлари ҳам бой дейди.

Арузни Халил ибн Аҳмад асослагани каби, шлоқани ҳам биринчи бўлиб Пингала ва Чалиғу деган олимлар кашф этганлар. Уларнинг бу шеърини тизимға бағишланган махсус китоблари ҳам бўлган. Беруний хинд олимларининг шлоқа назарияси оид китобларини танқидий ўрганиб, уларнинг ҳатоларини ҳам қўрсатади. Мисол учун, Харибҳата китобида ўлчов қаторларининг арифметик таърифи нотўғри келтирилганлигини қўрсатиб, ўзининг уларни тўғри ақс эътирувичи аниқ жадвалини тақдим этади.

Маълум бўладики, Абу Райхон Беруний қомусий аллома сифатида аниқ ва табиий фанлар соҳасида буюқ кашфиётлар яратибгина қолмай, ижтимоий-гуманитар йўналишда ҳам салмоқли тадқиқотлар олиб борган, жумладан, адабиёт таракқиётиға қатта ҳисса қўшган истеъдодли шоир, нуқтадон адабиётшунос, моҳир таржимон ва нозиктаб таржимашунос ҳам бўлган.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси «Зомин» санаторийси бош шифокори

Иноятулло ЭРГАШЕВнинг вафот этганини муносабати билан мардумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳуқур таъзия изхор этади

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «YANGI SHAHAR» маҳалла фуқаролар йиғинининг думалоқ муҳри йўқолганлиғи сабабли бе-кор қилинади.

В связи с утерей, лицензия на оптовую торговлю N30/80 серии УС N 000551 выданную ООО «QIZIL-SHARQ INVEST» 20.12.2005, «СИЗЬ-НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ».

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдулоҳик АБДУРАЗЗОҚОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 035-рақам билан рўйхатға олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 15164 Буюртма Г— 714
E-mail: ishonch_doverle4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Маълуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-й. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-й.